

ҳарбий-касбий мезонларига қатъий мувофиқ равишда ўрганиб чиқилишини ташкил этиш;

-шаҳар, туманлар чақирув (йифин) пунктларини зарур асбоб-ускуналар ва хўжалик буюмлари билан таъминлаш ҳамда мудофаа ишлари бўлимларига автотранспорт воситалари ажратилишида амалий ёрдам бериб бориш;

-фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақирилишини, шунингдек резервга бўшатилган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтарилишини ташкил қилиш вазифалари топширилсин.

5. “Водийгазтаъминот” УК (А.Эргашев), “Фарғона электр тармоқлари ҳудудий корхонаси” АЖ (Ш.Боратов) га 2015 йилги чақирув тадбирлари мавсуми давомида чақирув пунктларини белгиланган меъёр талабларига мувофиқ равишда узликсиз табиий газ ва электр энергияси билан таъминлашнинг кўшимча чораларини кўриш вазифаси топширилсин.

6. Фарғона шаҳар ҳокимлиги (Д.Рахматов), вилоят мудофаа ишлари (М.Қодиров), Маданият ва спорт ишлари (Б.Усмонов) бошқармалари, “Ўзбекнаво” вилоят бўлими (И.Жалилов) га:

-фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга жўнатиш, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ҳарбий хизматчиларни кутиб олиш маросимларини кенг жамоатчилик, фахрийлар, маданият арбоблари, таниқли санъат усталари иштироки билан тантанали вазиятда ўтказилишини таъминлаш;

-мазкур тадбирлар муддатли ҳарбий хизматга чақириувчилар ва хизматни ўтаб келган ёшлар, уларнинг ота-оналари ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолишини таъминлаш чораларини кўриш вазифалари топширилсин.

7. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси (Д.Усмонов), шаҳар, туман ҳокимлари билан биргаликда:

-Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафидан резервга бўшатилган фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича лозим чора-тадбирларни белгилаш;

-муддатли ҳарбий хизматдан заҳирага бўшатилган фуқароларни хизмат даврида эгаллаган ҳарбий ва фуқаролик мутахассисликларини ҳисобга олган ҳолда иш жойларини олдиндан тайёрлаб қўйилишини таъминлаш;

-сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинган фуқаролар сонидан келиб чиқсан ҳолда уларни доимий иш билан таъминлаш учун янги иш ўринларини яратиш, шунингдек уларни бўш ва квоталанган иш ўринларига жойлаштириш вазифалари топширилсин.

Муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшатилган ва сафарбарлик чақируви резерви хизмати сафига олинган фуқароларни тўлиқ иш билан таъминлаш юзасидан масъулият Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси (Д.Усмонов) ҳамда шаҳар, туман ҳокимлари зиммасига юклатилсин.

8. Соғлиқни саклаш бошқармаси (М.Садиков) га:

-чақирув давомида вилоят, шаҳар ва туманларда фаолият кўрсатадиган тиббиёт комиссиялари таркибига малакали шифокор ва тиббиёт ходимлари ажратиш;

-тиббиёт кўрик комиссиялари таркибидаги ҳар бир шифокор ва тиббиёт ходимлари ўрнига зарур пайтда жалб қилиш учун заҳирарадаги (резерв) шифокор ва тиббиёт ходимлари грухини тузиш;

-вилоят, шаҳар ва туман чақирав пунктларини зарур тиббий асбоб-анжомлар, дори-дармонлар, электрокардиограмма, УЗИ, ФГДС аппаратлари ва бошқа тиббиёт буюмлари билан етарли даражада таъминлаш;

-чақириувчиларнинг лаборатория текширувлари сифатли ўтказилишини таъминлаш ҳамда уларнинг турли ихтисосликдаги юқори малакали шифокорлар томонидан ҳар томонлама тиббий текшириб кўрилишини ташкил этиш;

-чақириувчиларни тиббий текширишни холислигини муқобил тиббий комиссияларнинг самарали ишлаши орқали таъминлаш вазифалари топширилсин.

9. Мудофаа ишлари бошқармаси (М.Қодиров) га фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақиришни Ўзбекистон Республикасининг "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонуни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг мазкур соҳадаги қарорлари талаблари асосида ташкил этиш вазифаси юклатилсин.

10. Ички ишлар бошқармаси (М.Соттиев) га чақириувчиларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш ҳамда хизматдан бўшатилган фуқароларни яшаш жойларига кузатиш ишларида жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлаш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини сақлаш чораларини кўриш, чақиравни сифатли ўтказиша мудофаа ишлари бўлимларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатишни ташкил этиш вазифаси юклатилсин.

11. Молия бошқармаси (М.Убайдуллаев)га Мудофаа ишлари бошқармаси (М.Қодиров) билан ҳамкорликда 10 кунлик муддатда вилоят йиғув пунктини жиҳозлаш, Қуролли Кучлар сафидан резервга бўшатилган ҳарбий хизматчиларни кутиб олиш, шунингдек муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун юборилаётган чақириувчиларни хизматга кузатиш, эсадалик совғалари билан табриклаш, уларга байрамона дастурхон ёзиш ва бошқа ташкилий тадбирларни ўтказиш учун лозим бўладиган маблағлар ҳисоб-китобини ишлаб чиқиб, ажратиш юзасидан вилоят ҳокимлигига аниқ таклиф киритиш вазифаси юклатилсин.

12. "Фарғона ҳақиқати" рўзномаси таҳририяти (Б.Обиджонов), Фарғона телерадиокомпанияси (Н.Мўминов) га вилоятда ёшларни муддатли ҳарбий хизматга чақиришнинг бориши, сафарбарлик чақирави резервидаги хизмат сафига олинган чақириувчилар билан ишлаш жараёни, меҳнат жамоалари, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари, ота-оналарнинг ҳарбий қисмлар билан алоқаларини кенг ёритиб бориш вазифаси топширилсин.

13. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиб боришни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими

Ш.М.Фаниев.

Вилоят ҳокимининг  
2015 йил «9» январдаги  
«24» - сонли қарорига  
илова

**Фарғона вилоят чақирув комиссиясининг  
ТАРКИБИ**

- |               |   |
|---------------|---|
| 1. С.Қўчқоров | - вилоят ҳокимининг ўринбосари-комиссия раиси   |
| 2. М.Қодиров  | - вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи-комиссия раисининг ўринбосари              |
| 3. А.Усеинова | - вилоят мудофаа ишлари бошқармаси тиббиёт пунктининг катта ҳамшираси-комиссия котиби |

**КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ**

- |                  |   |
|------------------|---|
| 4. F.Боборахимов | - вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари       |
| 5. А.Юлбарсов    | - «Махалла» ҳайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси     |
| 6. Т.Холдоров    | - «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси              |
| 7. С.Алимова     | - вилоят ҳокимлиги котибият мудири                      |
| 8. Ш.Рахимов     | - «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими раиси |
| 9. И.Шокиров     | - Давлат тест Маркази вилоят бўлими бошлиғи             |
| 10. Ш.Абдуллаев  | - вилоят тиббиёт кўриги катта шифокори                  |

*Изоҳ: Чакирув комиссияси аъзолари узрли сабаблар билан комиссия фаолиятига қатнаша олмаган вақтида улар ўрнига қуидаги ходимлар жалб этилади – С.Қўчқоров ўрнига - вилоят ҳокимлигидан А.Акбаров, М.Қодиров ўрнига - Мудофаа ишлари бошқармасидан М.Юлдашев, А.Усеинова ўрнига - Мудофаа ишлари бошқармаси тиббиёт пунктидан З.Низомова, F.Боборахимов ўрнига - Ички ишлар бошқармаси ҲООБ дан М.Орипов, А.Юлбарсов ўрнига - «Махалла» ҳайрия жамоат фондидан Б.Қодиров, Т.Холдоров ўрнига - «Нуроний» жамғармасидан И.Махмудов, С.Алимова ўрнига – Хотин-қизлар қўмитасидан З.Ибрагимова, Ш.Рахимов ўрнига - «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатидан Ш.Полвонов, Ш.Абдуллаев ўрнига - тиббиёт кўриги шифокори М.Бобоев*



2014 yil "09" январь № 24

Farg'ona shahri

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2014 йил 26 декабрдаги ПҚ-2279-сонли  
қарори ижросини ташкил этиш ҳақида**

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 26 декабрдаги ПҚ-2279-сонли "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 26 декабрдаги ПҚ-2279-сонли "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоятда 1988-1997 йилларда туғилган, чақириқ кунигача 18 ёшга тўлган ҳамда чақириқ муддатини кечиктириш хуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2015 йилнинг феврал-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш хуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган шахслар сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинсин.

3. Вилоят чақирув комиссияси таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вилоят чақирув комиссияси (С.Қўчкоров) мазкур чақирув давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.10.2009 йилдаги 265-сонли қарори билан тасдиқланган "Фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматларга чақириш, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга қабул қилиш бўйича чақирув комиссиялари тўғрисида"ги Низом талабларига қатъий риоя этилишини таъминласин.

4. Шаҳар ва туманлар ҳокимларига:

-чақирув пунктларини 2015 йилги чақирувни сифатли ўтказишга тайёрлаш ҳамда чақирув давомида доимий равишда иссиқлик ва электр энергияси билан таъминланиш чора-тадбирларини кўриш;

-шаҳар ва туманлар чақирув комиссияларининг самарали ишлашини ташкил қилиш, чақириувчиларнинг сифатли ва холисона тиббий кўриқдан ўтказилишини, уларнинг маънавий-руҳий фазилатлари ва интеллектуал ривожланиш савиясини аниқлашда қонунчиликда белгиланган танловнинг